

А Ж Р И М

(жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш тўғрисида)

2026 йил 13 март куни, жиноят ишлари бўйича Ғаллаорол туман суди, Ғаллаорол туман ИИБ биносига, очик сайёр суд мажлисида, суд раиси О.Эсановнинг раислигида, судья ёрдамчиси С.Мусулмановнинг котиблигида, тарафлардан Ғаллаорол туман прокурорининг ёрдамчиси О.Маматкулов, Ғаллаорол тумани ИИБ ЖХХ Пробация гуруҳи катта инспектори Қ.Ғайибназаров ва маҳкум У.Рузиевларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасига асосан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ҳақидаги Ғаллаорол тумани ИИБ бошлиғининг тақдимномаси кўриб чиқилди.

Рузиев Умид Абдумарадович (Ruziyev Umid Abdumaradovich), 1984 йил 14 ноябрь куни Ғаллаорол туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, тўрт нафар фарзанди бор, Ғаллаорол туманидаги 51-умумий ўрта таълим мактабида ишчи бўлиб ишлайди, муқаддам жиноят ишлари бўйича Ғаллаорол туман судининг 14.03.2022 йилдаги ҳукми билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан айбли деб топилиб, 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг 25.12.2023 йилдаги ажрими билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 74-моддасига асосан, ўталмай қолган 4 йил 1 ой 7 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга иш ҳаққининг 20 фойизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, Ғаллаорол тумани, Жийдали ҚФЙ, Рамозон қишлоғида яшайди.

Суд тақдимнома ва унга илова қилинган иш ҳужжатларини ўрганиб, тақдимнома бўйича тарафлар фикрини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Ғаллаорол тумани ИИБ бўлими бошлиғининг тақдимномасида, маҳкум У.Рузиевга тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталмай қолган қисмини ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш сўралган.

Маҳкум У.Рузиев жиноят ишлари бўйича Ғаллаорол туман судининг 14.03.2022 йилдаги ҳукми билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан айбли деб топилиб, 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг 25.12.2023 йилдаги ажрими билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 74-моддасига асосан, ўталмай қолган 4 йил 1 ой 7 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга иш ҳаққининг 20 фойизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган.



Маҳкум У.Рузиевнинг 23.02.2026 йил ҳолатига ўталган жазо муддати 2 йил 1 ой 13 кунни ва ўталмай қолган жазо муддати 1 йил 11 ой 24 кунни ташкил қилади.

Суд, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, прокурорнинг ва Пробация гуруҳи инспектори Қ.Ғайибназаровнинг тақдимномани қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини эшитиб, маҳкум У.Рузиевга тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг учдан икки қисмидан кўпроғини ўтаганлигини, жазо тури учун ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажариб келаётганлигини ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлганлигини инobatга олиб, тақдимномани қаноатлантиришни лозим топади.

Чунки, иш материалида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасида кўрсатилган тартиб-қоида талабларини бажарган ва жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишни истисно этувчи ҳолатлар мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 73-моддасининг 2-қисмига мувофиқ, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган жазо турлари учун ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлган маҳкумга нисбатан қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг 23.03.2023 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг жиноят ҳамда жиноят-ижроия кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-825-сон Қонуни билан ЖКнинг 73-моддасига ўзгартириш киритилиб, 73-модда учинчи қисмининг «б» бандидаги «ярмини» деган сўз «учдан икки қисмини» деган сўзлар билан, «в» бандидаги «учдан икки» деган сўзлар «тўртдан уч» деган сўзлар билан алмаштирилди.

Ушбу Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, Ушбу Қонуннинг 1-моддаси ва 2-моддаси 7-бандининг иккинчи, учинчи ҳамда тўртинчи хатбошилари суднинг ушбу Қонун расмий эълон қилингунига қадар қонуний кучга кирган қарорига кўра жазони ўтаётган маҳкумларга нисбатан татбиқ этилмайди. Мазкур шахсларни манзил-колониаларга ўтказиш, шунингдек уларни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш ушбу Қонун расмий эълон қилингунига қадар амалда бўлган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

Маҳкум У.Рузиевга нисбатан чиқарилган суд ҳукми ушбу Қонун расмий эълон қилингунига қадар қонуний кучга кирган бўлиб, шу сабабли ушбу ўзгартириш унга нисбатан татбиқ этилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг ЖК эски таҳрирдаги 73-моддаси 3-қисмининг “б” бандида, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш маҳкум оғир жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида ярмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин қўлланилиши мумкинлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2016 йил 27-декабрдаги “Жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 28-сонли Қарорининг 19-бандида, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш

га жазони енгилроғи билан алмаштириш тўғрисидаги тақдимнома



қаноатлантирилганда, маҳкумга, тегишлича, ЖК 73-моддасининг ўнинчи қисмида назарда тутилган қоидаларни тушунтириши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, юқоридаги қонун талабларидан келиб чиқиб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ҳамда Ғаллаорол туман прокурорининг ёрдамчиси О.Маматқулов, Ғаллаорол туман ИИБ Пробаця гуруҳи вакили Қ.Ғайибназаров ва маҳкум У.Рузиевнинг тақдимномани қаноатлантириш тўғрисидаги фикрларини эшитиб, маҳкум У.Рузиев жазо тури учун ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарганлиги, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлганлиги, қилмишидан пушаймонлигини, ҳозирда ўзига тегишли хулоса чиқариб олганлигини инобатга олиб, уни ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 73-моддаси ва Жиноят-процессуал кодекси 423, 536, 541-542-моддасига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Ғаллаорол туман ИИБ бошлиғининг тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Маҳкум Рузиев Умид Абдумарадович ўталмай қолган 1 (бир) йил 11 (ўн бир) ой 24 (йигирма тўрт) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 73-моддаси 3-қисмининг “б” бандига асосан муддатидан илгари шартли озод қилинсин.

У.Рузиевга жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниб, жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этган шахсга нисбатан суд ушбу Кодекснинг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинлаши тушунтирилсин.

Ажрим нусхаси ижро қилишлик учун Ғаллаорол туман ИИБ Пробаця гуруҳига юборилсин.

Суднинг ажрими устидан ЖПКнинг 499-моддасида кўрсатилган шахслар, маҳкум ва унинг ҳимоячиси томонидан кассация тартибида хусусий шикоят, прокурор томонидан хусусий протест берилиши мумкин.

Раислик қилувчи

О.Эсанов

